

ЭРТА ТУҒИЛГАН БОЛАЛАРДА УЙҚУ МУАММОЛАРИНИНГ НАФАС ЙЎЛЛАРИ САЛОМАТЛИГИГА, ТЕМПЕРАМЕНТ ХУСУСИЯТЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИНИНГ ХАМШИРАЛИК КУЗАТУВИ

Мухаммаджонов Дилмуроджон, 203-гуруҳ даволаш факультети

Илмий раҳбар: ассистент Икромов Ш.Н.

ТТА Термез филиали, Болалар касалликлари кафедраси

Долзарблиги: Эрта туғилган болаларнинг ривожланиш, камолга етиши ва соғлиғи учун уйқу муҳим аҳамиятга эга. Эрта туғилган чақалоқларда, нормал туғилган болаларга қараганда кўпроқ уйқу муаммолари бор. Болалардаги уйқу муаммолари нафас олиш аломатлари, гастроэзофагиал рефлекс, кулоқ инфекциялари, такрорий сийдик йўллариининг инфекциялари ва тишлар чиқишининг сабаблари, руҳий касалликлар, масалан, гиперактивлик ва хиссий муаммолар билан боғлиқ. Неврологик ногирон болалар, соматик ва руҳий қўшимча касалликлари бор болалар тез-тез уйқусида муаммоларга дуч келишади. Кичкинтойлар уйқусининг транзакцией моделига асосланиб, темпераментли хусусиятлар уйқуни мустаҳкамлашга тўғридан-тўғри ҳалақит бериши маълум. Шу сабабли, чақалоқларнинг уйқусидаги муаммоларга тўғри ёндашувни таъминлаш учун ҳам уйқуни, ҳам темпераментни ва уларнинг ўзаро алоқаларини ўрганиш муҳимдир.

Мақсад: Эрта туғилган болаларнинг уйқусининг, нафас олиш аломатлари билан, темперамент хусусиятларига боғлиқ хавф омилларини ўрганиш.

Тадқиқот материаллари: 2020 йил ноябрь ойидан 2021 йил март ойигача Сурхондарё Вилоят Болалар Кўп тармоқли тиббиёт марказида эрта туғилган ($n = 372$), даволанган болаларнинг гуруҳи ўрганилган. Эрта туғилган болалар -ҳомиладорлик муддати (<28) тугалланган ҳафта ёки туғилишнинг оғирлиғи (<1000 г) сифатида аниқланди. Болаларни стационар даволаниш давомида кузатиб борилди.

Натижалар: Эрта туғилган болаларда ётиш вақти, уйғониш вақти ёки ухлаш давомийлигидаги фарқлар, уйқу муаммолари (безовталиқ, ухлаш пайтида нафас олиш муаммолари) уйқуни бузишига олиб келиши кузатилди. Болаларнинг ухлаб қолиш қийинлиги, тез-тез уйғониши, кўкрак қафасида хириллаш туфайли боланинг уйқуси қанчалик тез-тез бузилганлиги; болада совуқотиш, кўкрак қафаси инфекцияси билан боғлиқ йўтал бор йўқлиги кузатилди. Бундан ташқари, дори-дармонларидан, шу жумладан, ингалацион кортикостероидлардан, қисқа ёки узоқ муддатли таъсир кўрсатадиган б2-агонистлардан ва оғиз орқали лейкотриен модификаторларидан фойдаланишни, оғиз лейкотриен модификаторларини ишлатмаслик ва нафас олиш бронходилататорларини ишлатмаслик билан таққосланди. Тадқиқотимизда биз иложи борица бир хил намуна олиш учун фақат когнитив, тил ва МНС соҳаларида нуқсонли бўлмаган эрта ёшдаги болаларни киритдик. Уйқуга кетиш қийинлиги ёки тез-тез уйғониш 27,3%, патологик нафас билан ухлаш 28,0%, кундузги ухлаш 17,1% ва 24,1% . Болалар учун тавсия этилган 9 соатдан кам ухлаш қайд этилган. Болаларнинг ҳеч бири тавсия этилганидан ортиқ ухламади. Белгиланган уйқу муаммоларининг тарқалиши билан боғлиқ жиддий жинсий фарқлар мавжуд эмас эди. Эрта ёшдаги болалар 3 ойлигида камроқ ва қисқа тунги уйғонишларни намойиш этдилар. Темперамент хусусиятларига келсак, биз нормал туғилган болаларга қараганда, эрта туғилган болаларнинг диққат даражаси пастроқ ва салбий хиссиётга эга (масалан, йиғлаш, инжиқлик, эҳтиёткорлик) эканлиги кузатилди.

Хулоса: Эрта туғилган болалардаги уйқу муаммолари, нафас йўллариининг саломатлиги ва темперамент ўртасида боғлиқликни тасдиқлайди. Шунинг учун педиатрларнинг эрта туғилган болаларда, айниқса, нафас олиш бузилиши ва ухлаш билан боғлиқ ҳаракат бузилишларида, уйқуни обдон текширишлари муҳимдир. Биз чақалоқнинг уйқуси ва темпераменти ўртасидаги алоқани, шунингдек, уларнинг вақт ўтиши билан социал-эмоционал мослашиш билан боғлиқлигини яхшироқ тушунишимиз, болаларни клиникаларда кўриш пайтида уйқуни хариталаш бўйича саволларни киритишимиз керак.

Адабиётлар рўйхати:

1. Елизарова, Ирина Сергеевна, et al. "Динамика состояния здоровья детей и подростков Астрахани." Аллергология и иммунология 13.1 (2012): 101-101.